

ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

*Андижон давлат чет тиллари институти
талаабаси Махмудова Дилноза*

Аннотация: Бу мақолада ўзбек ва инглиз тилларида ёрдамчи сўзларнинг аналитик ва грамматик восита рўлини бажарувчи умумтипологик восита хақида гап боради. Бунда киёсланаётган тилларда ёрдамчи сўзларга инглиз тилида предлоглар, боғловчи, модал сўзлар ва ўзбек тилида боғловчи, юклама, кўмакчи ва шунингдек, келишик кўшимчалари кириши ифодаланган.

Калит сўзлар: боғловчи, грамматик, предлог, от

Инглиз тадқиқотчилари замонавий инглиз тилида сўз туркумларини тўртадан ўн учтагача, хатто ўн олтитагача ажратадилар. Категорияларни ҳар хил босқичларидан келиб чиқсан ҳолда олимлар муҳим сўз туркумларига сон, олмош, предлог, боғловчи, артикль, модал сўзлар, юкламаларни киритадилар. Аниқ сўз туркумларига қоида бўйича от, сифат, феъл ва равишни киритишиди. Кўпгина Европа тилларининг илмий грамматик системасининг яратилиши грек ва лотин грамматикаси нуктаи назарининг бевосита таъсири остида келиб чиқсан. Бу бир томондан ҳозирги замон олимлари қалимги олимлар таснифлаш тадқиқотчиларининг схемасидан фойдаланганларни билан изоҳланса, иккинчи томондан эса грек ва лотитн муаллифлари меҳнатлари қўлланилган терминологияни ўзлаштириб олинганлиги ифодаланган. Генри Свит классификациялаш жараёнида маънонинг, форманинг вазифаларини умумий тартибининг аҳамияти ҳақида маълум қилган биринчи инглиз олими бўлган. Лекин бошқа инглиз грамматикаси вакилларидан О.Жесперсон, Т.Крейзин ва бошқалар ўзлари томонидан таклиф қилинган қарорларни тадбиқ этишди, балки формани афзал кўришди ва уни қолган меъзонларга асосланиб бўлишди.

А.Н.Савченконинг фикрича, сўз туркумининг маъноси грамматик маънони келтириб чиқаради. Лекин бу асосий меъзон эмас, балки бошқатдан келиб чиқувчи синтактик боғлиқлиқdir.

Демак, ҳар бир сўз туркумининг маъноси узлуксиз унинг боғлиқлигига акс этади. Кўтарилиган муаммолар шуни кўрсатадики аниқ ва муаммосиз бўлиб кўринган оддийгина сўз туркумлари ҳам умумий ҳам хусусий тилшунослик тарафидан қаралганда унинг ўзига хос муаммоси бор. Бу борадаги ўтказилган текширувларнинг аниқ мақсади бўлиб, жумладан янги фактлар эришилганларни баҳолабгина қолмайди, лекин у ёки бу муаммоларни ечимини топади деб ўйлаш учун.

Ҳозирги пайтда тилшунос олимларимиз сўзларни сўз туркумларига ажратиш борасида уч асосий тамойилни кўрсатадилар. Булар:

- 1. маъно** - meaning
- 2. шакл** - form
- 3. функция** - function

Ушбу тамойилларга кўра ҳозирги инглиз тилининг ўн олтига сўз тукруми ажратилади.

Бу хусусида университетимиз профессори, устозимиз F.M.Хошимов ўзининг қарашларини илгари суради. Булар қўйидагилардан иборат:

1. The Noun
2. The Pronoun
3. The Numeral
4. The Adjective
5. The verb
6. The Adverb
7. The Modal verb
8. The Statives
9. The Interjection
10. The Particle
11. The Article
12. The Conjunction
13. The Preposition
14. The Responsive (yes, no)
15. The Requestive (please)
16. The Approximatives (almost, nearly)

Отлар шахслар, ҳайвонлар, жойлар, нарсалар, ҳодисалар ва турли – туман мавхум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар бўлиб, **Who? (ким?) What? (нима?)** сўроқларига жавоб бўлади.

Инглиз тилидаги отлар ҳам ўзбек тилидаги каби ўзи ифодалаган тушунчага кўра саналадиган ёки саналмайдиган отларга бўлинади. Баъзи кўп маъноли отлар бир маъносида саналадиган отлар сирасига кирса, бошқа маъноси билан саналмайдиган отлар қаторидан ўрин олиши мумкин. Саналадиган ва саналмайдиган отлар қўйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

Саналадиган отлар	Саналмайдиган отлар
Бирлик ва кўплик шаклларига эга бўлади.	Фақат бир шаклга эга.

Бирлик ёки кўплика келишига қараб, бирлик ёки кўплик шаклидаги феъл билан келади.	Бирлик шаклидаги феъллар билан келади.
Бирлик шаклида келганда олдида a , an ёки one каби аниқловчилар бўлиши мумкин.	Олдидан a , an ёки one сўзлари аниқловчи сифатида келмайди.
Кўплик шаклида келганда олдида many ёки few аниқловчилари бўлиши мумкин.	Олдидан аниқловчи сифатида much ишлатилиши мумкин.
Фақат кўплик шаклида келганда олдидан some аниқловчиси ишлатилиши мумкин.	Олдидан аниқловчи сифатида some келиши мумкин.
Фақат кўплик шаклида олдидан number of келиши мумкин.	Олдидан amount of қўлланилиши мумкин.

Муайян бир турдаги отлар одатда доим саналадиган бўлади. Уларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Одам, ҳайвон, ўсимлик, ҳашорат ва уларнинг қисмларини атовчи отлар:

People (одам)	Animals (ҳайвон)	Plants (ўсимлик)	Insects (ҳашорат)	Parts (қисм)
a boy (бир) бола	a cat (бир) мушук	a cactus (бир) кактус	an ant (бир) чумоли	an ankle (бир) тўпик
a girl (бир) қиз	a dog (бир) ит	a bush (бир) бута	a butterfly (бир) капалак	a bone (бир) суж
a man (бир) киши	a horse (бир) от	a flower (бир) гул	a caterpillar (бир) қурт	a head (бир) бош
a student (бир) талаба	a mouse (бир) сичқон	an oak (бир) эман	a fly (бир) пашша	a nose (бир) бурун
a teacher (бир) ўқитувчи	a tiger (бир) йўлбарс	a potato (бир) картошка	a mite (бир) бурга	an ear (бир) қулоқ

Агар отга кўплик қўшимчаси – **s** (- **es**) қўшилган бўлса, сўз охирида “**s**” ҳарфидан кейин тутуқ белгиси қўйилади. Масалан:

The boys` books - боланинг китоблари

Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам сўзларни сўз туркумларига ажратища кўпгина олимлар иш олиб бормоқдалар. Булар жумласига профессор

А.Нурмонов, Э.Кличев, Ф.Абдурахмонов, А.Азизова, А.Гуломовларни киритишмиз мумкин. Ўзбек тилида ҳам бошқа тиллар сингари сўзлар мустақил ва ёрдамчи сўз туркumlарига ажратилади: боғловчи, кўмакчи, юклама ва ундов сўзлар ёрдамчи сўз туркumlарига киритилади.

Сўнгти йилларда нашр қилинган адабиётларда модал ва тақлидий сўзлар ҳам сўз туркumlарининг алоҳида типи сифатида ажратилаётir.

Кўринадики, сўз туркumlарининг миқдори турли тилларда турли хил мавжуд сўз туркumlари ҳам сўз маънолари ва грамматик формалари билан ўзаро фарқ қиласди.

Масалан, от сўз туркуми барча тилларда мавжуд. Отларнинг предметлик тушунчасини ифода қилиш маҳсус ясовчи морфемаларга ҳамда келишик ва сон категорияларига эга бўлиши уларнинг умумий томонидир. Лекин бу отлар суффикслар состави, келишик ва сон шаклларини ҳосил бўлишида, ўзаро фарқ қиласди. Масалан, рус ва ўзбек тилларида 6 та келишик формаси мавжуд бўлса, инглиз тилида улар сони иккита. Бу тилларда яна келишик формаларининг ясалиши усувлари ва воситалари билан ҳам фарқ қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. ”газетасининг 2010 йил, 13-ноябрдаги сони.
2. Бархударов Л.С., Штеллинг Д.А. Грамматика английского языка. – Москва: “Высшая школа”, 1963.
3. Blokh M.U., A Theoretical course of English grammar. – Москва: “Просвещение”, 1982.
4. Бўронов Ж., Бўронова М. Инглиз тили грамматикаси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1978.
5. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1973.
6. Дадабоева Т. Инглиз тили грамматикаси. – Тошкент: “Фан”, 2007.
7. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиши методикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
8. Ilyish B.A. The structure of Modern English. – Leningrad: “Просвещение”, 1971.